



# ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 17 июль, шанба • №58 (11.653) • Эркин нархда сотилади

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

16 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил биринчи ярим йиллигида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 7 февралдаги мажлисида Президентимиз Ислон Каримов томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларнинг бажарилишига бағишланган мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев бошқарди.

Президентимиз Ислон Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада

эркинлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида белгилаб берган устувор вазифаларни ҳаётга кенг жорий этиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар ўзи-

нинг самараларини бераётгани таъкидланди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислох қилиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш йўли изчил ва аниқ йўналтирилган ҳолда амалга оширилди. Натижада иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатларига эришилди, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаоллиги сезиларли даражада ошди. Олти ой ичида мамлакатимизда илк бор ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 6,2 фоиз ўсиши таъминланди. Бу ўтган йилнинг

шу даври даражасига нисбатан 1,6 барабар, яъни 3,8 фоиз кўп, деганидир. Бундай юқори кўрсаткичга аввало саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалик ялпи маҳсулоти, чакана савдо айланмаси, пуллик хизматлар кўпайиши эвазига эришилди.

Хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,6 фоиз ўсди. Транспорт ва алоқа соҳасида 7,6 фоиз, қишлоқ ҳўжалигида 10,4 фоиз юксалиш қайд этилди. Бу йилги ҳосилдан бошоқли дон

(Давоми 2-бетда).

## ВИЛОЯТ ҳаёти

### Талабаликдан – мустақил ҳаётга

Оҳангарон шаҳар маиший хизмат кўрсатиш ҳамда саноат касб-ҳунар коллежларида талабаларнинг битирув кечаси бўлиб ўтди.

Хонобод дам олиш ва истироҳат боғида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими кенгаши ташаббуси билан аъло хулқ ва баҳолашга тамомлаган йигит-қизлар учун концертлаштирилган дастур намойиш этилди.

Бўлажак касбини пухта ўзлаштирган саноат соҳасидаги 16, маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги 12 нафар битирувчи талабалар имтиёзли дипломга ҳамда ёшлар ҳаракатининг эсдалик совғаларига сазовор бўлдилар.

Саид ҲАСАНОВ.

### «Камолот»

#### соврини учун

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати соврини учун кикбоксинг бўйича вилоят очик биринчилиги бўлиб ўтди.

Мусобақада Ўзбекистон ва вилоят Кикбоксинг федерациялари, вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамкор ташкилот сифатида иштирок этишди.

Бўка тумани маданият саройида бўлиб ўтган ушбу биринчиликда Тошкент, Самарқанд вилоятлари, Тошкент шаҳри, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон Республикаларидан 100 нафар спортчи 17 вазн тоифасида куч си-нашишди.

Амрилло КАРИМОВ.

### Янги шифо маскани

Юқоричирчиқ туманининг Оқовул қишлоғида ишга туширилган қишлоқ врачлик пункти уч мингдан ортиқ кишига хизмат кўрсатади.

Мазкур шифо масканида умумий амалиёт шифокори, акушер-гинеколог, педиатр, хирург, стоматолог, физиотерапия ҳамда эмлаш хоналари ишлаб турибди.

Шундай қилиб, туманда бундай шифо масканлари сони ўн саккизга етди.

ЎЗА.

## ВИЛОЯТ ҳаёти

## Ифтихор


Ливия пойтахти Триполи шаҳрида бўлиб ўтган шахмат бўйича жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз, ўзбек ўғлини Рустам Қосимжоновнинг жаҳон шахмат тожи соҳиби бўлгани, айниқса, биз ёшларни чексиз тўлқинлантириб юборди.

Бу оламшумул ғалаба қалбимиздаги ғурур ва ифтихоримизни нечоғлик юксакка кўтарганини сўз билан ифодалаш мушкул.

Президентимизнинг жаҳон чемпионига оталарча ғамхўрлик билан йўллаган мактубларида таъкидланганидек, ўз ақл-заковати билан бутун башариятни лолу ҳайрон этиб келган буюк халқимизнинг илму тафаккур бобида тенгсиз эканлиги бугун ушбу муваффақият мисолида яна бир бор ўз тасдиғини топди. Бутун дунё янги кашф этилган шахмат қироли ва уни вояга етказган ўзбек элини шарафлаётгани юрагимизга улкан қувонч ва ҳаяжон солмоқда.

Энг муҳими, бу тарихий зафар халқимизни янада яқдил, бирдам ва ҳамжихат бўлишига хизмат қилади. Айни шу шукуҳли кунларда ҳеч кимдан кам эмаслигимизни ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизни теранроқ англаб турибмиз.

Жамшид УМРЗОҚОВ,  
Пскент туман «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоли.



Оққўрғон туманидаги «Гулистон» ширкат ҳўжалигида ана шундай деҳқонлар меҳнат қилишади. Шу кунларда ҳўжалик пахтакорларининг юмушлари янада қизиган. Таъбир жоиз бўлса, ҳар туп ғўза уларнинг эътиборида. Экин қатор ораларида ишлов бериш, озиклан-тириш, сўғориш оби-тобида олиб борилмоқда. Мақсад, ҳар туп ғўзанинг бақувват, серҳосил бўлишига эришиш.


Ҳўжаликда ҳосилга жиддий ҳавф соладиган зараркунанда ҳашаротлар, жум-

ладан, кўсак қуртига қарши курашда ҳам самарали иш юритилмоқда.

Қилинган меҳнатлар ўз меvasини бермоқда. Деҳқонларнинг фикрича, бу йил пахтанинг ривожини ўтган йилларга нисбатан 20-25 кун олдинда. Бунга ғўзалардаги бўлиқ кўсаклар ҳам исботлаб турибди. 2004 йилда ҳар гектар ердан камида 30 центнердан ҳосил олишни режалаётган пахтакорлар унга ана шундай мустаҳкам замин яратмоқдалар.

## Пахтакорнинг қизғин кунлари

Пахтадан мўл ҳосил етиштиришни кўзлаган деҳқон унга бугун замин қўяди. Аслида пахтакор учун фаслнинг фарқи йўқ. Энг муҳими, барча агротехник тадбирларни вақтида, маромида бажариш зарур. Ана шундагина даладаги ҳосилдан кўнгли тўлади, белгиланган режаларини бажаради.



**СУРАТЛАРДА:** ҳўжалик пахтазорларида етиштирилаётган мўл ҳосилда Эгамберди Жўраевнинг катта ҳиссаси бор. Тажрибали механизатор экин қатор ораларида сифатли ишлов бериб, бошқа агротехник тадбирларни ўтказишда барчага ибрат бўлмоқда; бу бўлиқ кўсаклар баҳор ва ёз бўйи қилинган меҳнат самараси.

Еркебой БОТИРОВ  
олган суратлар.

### • Танлов

мавжуд 21 та шаҳар, туман босқичлари ғойибларидан эллик нафар ногирон болалар иштирок этдилар.

Тадбирнинг юқори савияда ўтишига, айниқса, Янгийўл туманидаги «Ниёзбош» ширкат ҳўжалиги, «Камолот» ёшлар иж-

(Давоми 2-бетда).

## «Мафтункор ранглар дунёси»

Мана тўққиз йилдирки, ногирон болалар ўртасида халқаро «Мафтункор ранглар дунёси» кўрик-танловини ўтказиш анъанага айланган.

Ҳар йили вилоятимизда ушбу танлов юқори савияда ўтказиб келинаётгани сабабли вилоят ғойиблари халқаро танлов ғойиблари сафидан ўрин олмоқдалар.

Жумладан, ўтган йилги вакиламиз янгийўллик Рузана Галимова Марказий Осиё ногирон болаларнинг VIII халқаро танлови ғойибаси бўлган эди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан 2004 йил 15 июль куни Янгийўл туманидаги «Ниёзбош» ширкат ҳўжалигининг боғида ногирон болалар ўртасида IX халқаро «Мафтункор ранглар дунёси» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ушбу танловда вилоятдаги

# ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

экинларининг давлат хариди ҳажми бажарилди.

Иқтисодиётнинг жадал ўсиши давлат молияси, пул муомаласи тизими ва ташқи савдо секторининг мувозанатланиши билан уйғунликда кечди. Бу, ўз галида, умумий макроиқтисодий барқарорлик таъминланиши ва олтин-валюта захираларимиз янада кўпайиши учун муҳим омил бўлди.

Ташқи савдо айланмаси 24,5 фоиз, экспортнинг ялпи ҳажми ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 25,2 фоиз кўпайди. Ташқи савдо балансида 689,1 миллион АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди.

Пул-кредит сиёсати инфляция жараёнларини чеклаш ҳамда миллий валютамининг алмашув курсини барқарорлаштиришни таъминлашга қаратилди. Иқтисодий ўсиш ва инфляциянинг пасайиши аҳоли реал даромадларининг ўсишини таъминлади. Ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич 16,7 фоизни ташкил этди.

Мажлисида Ўзбекистон Президентининг хусусийлаштириш жараёнини ва иқтисодиётдаги хусусий секторнинг ролини кучайтириш ҳамда қишлоқ хўжалиги, капитал қурилиш каби муҳим иқтисодий соҳаларда ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган қатор фармонлари негизда янги механизмларнинг ҳаётга кенг жорий этилиши бу соҳаларда ижобий ўзгаришлар қафолати бўлаётгани кайд этилди.

Ярим йилликда хусусийлаштириш суръатлари жадаллашди. Устав фондларида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари сони икки баравар қисқарди. 1132 давлат корхонаси, объектлар, акциялар пакетлари ва улушлар хусусийлаштирилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига қараганда икки баравар кўпдир.

Қурилишда тендер савдоларини ташкил этиш тизими такомиллаштирилмоқда. Тендер савдоларидан фақат бюджет буюртмалари бўйича олинган шартли иқтисодий самара 8,7 миллиард сўмни ташкил этди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йил якунларига бағишланган мажлисида барча даражадаги мавжуд давлат, тармоқ ва ҳудудий бошқарув тизимининг нуқсон ва иллатларини танқидий нуқтаи назардан таҳлил этиб, бу тизимни ислох қилишнинг асосий йўналишларини батафсил кўрсатиб берган эди. Ўтган даврда Юртбошимизнинг ана шу кўрсатмалари асосида маъмурий ислохотларни амалга ошириш доирасида муайян юмушлар бажарилди. Жумладан, давлат ва хўжалик бошқарувининг 32 органи бўйича қарорлар қабул қилинди. Бошқарув ходимлари қарийб 40 минг кишига қисқарди. Юқори ликвидли ресурсларнинг 21 тури бўйича тақсимлаш тизими тугатилди ва улар

ни биржа савдолари, аукционлар ҳамда тўғридан-тўғри шартномалар орқали сотиш механизми жорий этилмоқда.

Шу билан бирга, мажлисида иқтисодиётнинг муайян йўналишларидаги мавжуд муаммолар жиддий танқид қилинди. Айрим ҳудудларда давлат активларини инвестиция мажбуриятлари остида бепул беришни таъминлаш билан боғлиқ ташкилий ишлар зарур даражада йўлга қўйилмаган. Баъзи вилоятларда хусусийлаштириш дастури топшириқлари бажарилмаётди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида фаолият кўрсатиши кўзда тутилган қатор корхоналар томонидан ўтган даврда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича белгиланган ҳажмлар бажарилиши таъминланмади. Қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан оқилона, мақсадли ва самарали фойдаланилмапти. Уй-жой коммунал хўжалигини ислох қилиш чора-тадбирлари қониқарсиз амалга оширилмоқда. 2004-2005 йил куз-қиш даврига тайёргарлик борасида ҳам жиддий ишлар бажарилиши тақозо этилади.

Иқтисодий-ижтимоий ва демократик янгиланишлар йўлига гов-тўсиқ бўлаётган бундай камчилик ва нуқсонларни бар-тараф этиш зарурлигига эътибор қаратилди. Мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантиришни кўзда тутувчи энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини янада юксалтириш борасида мутасадди ташкилотлар раҳбарларига тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Мажлисида «Меҳр ва муруват йили» дастури, Президентимизнинг Республика Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирларга оид, мактаб таълимини янада ривожлантиришга қаратилган фармонлари ҳамда улар ижросини таъминлаш борасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорларнинг ҳаётга татбиқ этилиши билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари Ў.Султонов ва Р.Файзуллаев, давлат мулк кўмитаси раиси М.Асқаров, республика товар-хонашёр биржаси раиси Т.Тўхтабоев, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси раиси Ф.Иброҳимов, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси раиси Ш.Умаров, «Ўзкоммунизмат» агентлиги бош директори Ў.Холмухамедов, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси раиси Э.Шоисматов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Мажлисида қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЎЗА.

• Танлов



СУРАТДА: биринчи ўрин соҳибаси Нодира Холдзорова. Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

## «Мафтункор ранглар дунёси»

тимой ҳаракати вилоят бўлими, вилоят «Тадбиркор аёл» уюшмаси, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» ва «Наврўз» жамғармалари ҳомийлик ёрдами кўрсатдилар.

Ҳакамлар ҳайъатининг якуний натижаларига кўра, 13 ёшгача иштирокчилар орасида Чиноз туманидан Мирзохид Мирпўлатов ғолиб деб топилди. Иккинчи ўрин Янгийўл туманидан Нодира Тешабоевага, иккита учинчи ўрин эса, Юқоричирчик туманидан Жонтемир Маъмуров ва Зангиота туманилик Хуршид Султоновларга насиб этди.

13-17 ёшгача бўлган иштирокчилар орасида эса, биринчи ўрин Янгийўл шаҳридан Нодира Холдзорова, иккинчи ўрин қибрайлик Мирзо Ҳикматуллаевга ва учинчи ўрин Янгийўл туманидан Жамшид Болтабоевларга берилди. Улар 28-30 июль кунлари Юқоричирчик туманидаги «Йикота» ширкат хўжалигида ўтказиладиган «Мафтункор ранглар дунёси» Марказий Осиё ногирон болалар ўртасида ўтказиладиган IX халқаро бадий танловда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Зулхумор ЖЎРАЕВА.

(Давоми. Боши 1-бетда).

• Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

## Сайловчилар ташаббускор гуруҳини расмийлаштириш жараёни

**Маълумки, жорий йил сайловлар йили ҳисобланади. Ўтган йилнинг 29 августида бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири иккинчи ўқишда қабул қилинди.**

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайловлар тўғрисидаги олдинги қонунда Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари, бевосита фуқаролар эгадирлар, деб кўрсатилган эди.

Янги таҳрирдаги қонуннинг 20-моддасида ушбу масала юзасидан: «Депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар эгадирлар» деб кўрсатилган. Депутатликка бевосита фуқаролар томонидан номзодлар кўрсатиш тартиби мазкур қонуннинг 23-моддасида ёритилган.

Жумладан, модданинг 1-бандида: Сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи депутатликка номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар гуруҳини тузиши мумкин дейилган. Бунда ана шу ҳудудда яшовчи фуқаролар томонидан камида 100 киши иштирокида йиғилиш ўтказилиб, баённома тузилади. Баённомада мазкур сайлов округида сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи тузишга қарор қилинади.

Баённомада сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакилини сайлаш бўйича ҳам масала кўтарилди ва қарор қабул қилинади.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан тайинланган ваколатли вакил ташаббускор гуруҳни рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан ваколатли вакилга бериладиган ишонч қоғозини нотариал тасдиқлашда давлат нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги қонуни ва амалдаги қўлланмалар талабларига риоя қилишлари шарт.

Бундай ишонч қоғозини гувоҳлантириш учун камида юз нафар сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилиши баённомаси ва ваколатли вакилни тайинлаш ҳақидаги қарор тақдим этилиши керак.

Округ сайлов комиссияси ўзига тақдим қилинган ҳужжатларнинг мазкур қарорга мувофиқлигини аниқлайди, ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида сайловчилар ташаббускор гуруҳини рўйхатга олиш тўғрисида ёки рўйхатга олишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

**Ушбу қонунга республика Парламентидаги туб ўзгаришлар, икки палаталик тизимга ўтиши муносабати билан, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик Палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатини шакллантириш тартибига асосланган ҳолда ўзгартиришлар киритилди.**

Сайловчилар ташаббускор гуруҳини рўйхатга олиш рад этилган тақдирда, гуруҳга рад этиш сабаблари кўрсатиб берилиши лозим, яъни мазкур қонуннинг қайси моддасига риоя этилмаганини аниқ кўрсатиб беришлари лозим.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳи рўйхатга олинганлиги тўғрисида қарор қилинганидан кейин гуруҳнинг ваколатли вакилига тегишли рўйхатга олинганлик гувоҳномаси ҳамда имзо варақаларининг белгиланган намунадаги бланкалари берилди.

Рўйхатга олинганлик гувоҳномаси мазкур сайлов округи комиссияси раиси томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши шарт. Имзо варақалари шаклини Марказий сайлов комиссияси белгилайди ва унда депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотнинг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳи ўзининг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилгандан кейингина депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўплашга ҳақли. Шу ерда алоҳида ургۇ бериб, шуни таъкидлаш лозимки, рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилган санага қадар йиғилган имзолар ҳақиқий деб ҳисобланмайди.

Депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи мазкур округ сайловчилари умумий сонининг камида 8 фоизи ҳисобида номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаши талаб этилади.

Сайловчиларнинг фақат битта депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаб, бир мартагина имзо қўйишга ҳақи бор.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан имзо тўплаш тамомлангандан сўнг гуруҳнинг ваколатли вакили ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича алоҳида-алоҳида қилиб тикилган имзо варақаларини тегишли округ сайлов комиссиясига топширади. Округ сайлов комиссияси имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини текшириб кўради ва беш кунлик муддат ичида тегишли баённомани Марказий сайлов комиссиясига топширади.

Олимжон ТОПИЛОВ,  
Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти  
Тошкент вилоят филиалининг раҳбари.



Республикаимиз автомобил-созларнинг ўтган йиллар мобайнида қўлга киритган ютуқлари ҳаммага маълум. Ўзбекистонда «ЎздЭУавто» туфайли замонавий саноат тармоғи вужудга келди. Малакали кадрлар тайёрланди. Айти пайтда корхона давр билан барабар кадам ташламоқда, маҳсулот турлари ҳам мунтазам янгиланмоқда. Ўтган саккиз йил давомида машиналарнинг бешта русумдаги моделларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, шунингдек, бюртмачилар талабларидан келиб чиққан ҳолда автомобилларни модификациялаш амалга оширилиб, фойдаланиш хизматлари яхшиланган маҳсулот ички бозор ва Россия, Украина, Қозғистон, Афғонистон каби мамлакатларга ҳам етказиб берилаетир.

— Шу кунларда «Дамас» машиналарининг синов турлари Италияга жўнатиш учун тайёрланмоқда, — дейди «ЎздЭУавто» акционерлик жамиятининг корпоратив инновациялар бошқаруви директори З.Жўраев. — 1 июль ҳолатига кўра,

## «ЎздЭУавто» 8 ёшга тўлди

**19 июль куни Андижон вилоятининг Асака шаҳрида мамлакатимизда биринчи автомобиль заводининг ишга туширилганига 8 йил тўлади.**

32263 автомобиль ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига қараганда 33 фоизга кўп. Ички ва ташқи бозорда ҳам сотувлар ҳажми кўпайди.

Жорий йилда қатор аҳамиятга молик воқеалар содир бўлди. Хусусан, 27 апрель куни «Ўзавтосаноат» уюшмасида янги «Ўзсазан» Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонасининг таъсис ҳужжатлари имзолан-

ди. Бунда Эрон давлати томонидан руль устунларини ишлаб чиқарувчи «Сазан» индустриал-саноат гуруҳи муассис ҳисобланади. «Renault» ва «Nissan» каби компаниялар ҳам «Сазан» корхонасининг бутловчи қисмларидан фойдаланади. Фарғонада ташкил этилажак ушбу қўшма корхона бош корхона учун даставвал руль устунларини, келгусида эса жами руль механизмларини етказиб бериш билан

ларни ташқи бозорда сотиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида бир неча баённома имзоланди. 20-21 июнда эса Нью-Йоркда 18-халқаро сифат саммити бўлиб ўтди. Саммитда турли компания ва фирмалар вакиллари, шунингдек, дунёнинг 200 дан ортиқ мамлакатидан дипломатлар иштирок этди. Ушбу нуфузли форумга «ЎздЭУавто» вакиллари ҳам таклиф этилди. Шунингдек, керакки, ВТО халқаро ташкилоти томонидан ташкил этиладиган бундай форумда етакчи компания ва ишлаб чиқарувчиларнинг фаолияти баҳоланиб, турли номинациялар бўйича ғолиблар номи эълон қилинади. Бу борада Халқаро савдо палатаси, элчионалар, жаҳон оммавий ахборот воситалари, Интернет-нашриётлар томонидан ўтказиладиган сўровлар натижалари ҳам инobatга олинади.

— Шуниси қувонарлики, «ЎздЭУавто» МДХ давлатлари корхоналари орасида биринчи бўлиб, олтин категорияда «Сифат тизими ва бизнес-обруни яратишда муваффақияти учун» совринига сазовор бўлди, — дейди «ЎздЭУавто» корхонасининг ижрочи директори И.Аҳмеджонов. — Бу корхона жамоаси ишининг яхши йўлга қўйилгани, сифатни назорат қилиш тизимини татбиқ этиш самарасидир. Корхонада эса маҳсулот сифатига алоҳида эътибор қаратилади. «ЎздЭУавто»да ишлаб чиқариш жараёни, бошқарув халқаро сифат стандартларига мувофиқ ташкил этилган.

**С. ШУКУРОВ,**  
ЎЗА мухбири.

## Сифат ва суръат

**Олмаликдаги «Аммофос» очик акциядорлик жамиятида жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 131,5 минг тонна минерал ўғит тайёрланди.**

— Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг мавқеи ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш билан бирга рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришига ҳам боғлиқ. Биз кейинги йилларда бозор муносабатларининг ана шу тамойилига амал қилаёмиз, — дейди жамият бош муҳандиси ўринбосари Баҳодир Содиков.

Корхона мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун етказиб берилётган фосфорли ўғитнинг 80 фоизини ишлаб чиқаради. Бир неча йил аввал Марказий Қизилқумнинг Тошкўра қонидан фосфоритга бой маъданни қазиб олиш ва қайта ишлаш йўлга қўйилди. Олмалик кимёгарлари асосан ана шу хомашё ҳисобига ишламоқда.

Корхонада маҳсулот турини кўпайтиришга жиддий эътибор берилаети. Хусусан, минерал ўғитни қадоклаш учун полиэтилен плёнкалари, гўзаядан ёғоч толали плита ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўтган ярим йилда истеъмолчиларга 82 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

**Неъмат ДУШАЕВ,**  
ЎЗА мухбири.

## Сув беҳисоб эмас

**Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ташаббуси билан жойларда сув хўжалиги муносабатлари, унинг ҳисоб-китоби ва қишлоқ хўжалик экинларини сугоришда сувдан фойдаланишнинг илғор тажрибаларини қўллаш мавзуларида илмий-амалий ўқув семинарлари бўлиб ўтмоқда.**

Республика САНИИРИ илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган семинарлар дастлаб вилоятнинг 9 та пахтакор туманларида уюштирилди. Семинар ишида туман ҳокимлари, қишлоқ ва сув хўжалиги тизимида меҳнат қилаётган мутахассислар, ширкат хўжаликлари раислари, фермерлар, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари раҳбарлари, бош пудратчилар иштирок этдилар.

Ўқув-семинарда ўз маърузалари билан иштирок этган мутасадди идора ва ташкилотлар раҳбарлари, соҳа олимлари ва мутахассислари сувнинг самарадорлигини ошириш, ундан оқилона фойдаланиш ва бу борада амалга оширилаётган ишлар кўлами ҳақида атрофлича тўхталдилар.

**Сардор АБДУЛЛАЕВ.**

## • Банк ва мижоз



## «Кредит биздан, ҳаракат сиздан»

**Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттиришни рағбатлантиришга қаратилган қатор Фармонлар ва қарорлар қабул қилиниб, бу соҳани ривожлантиришга эътибор янада кучаймоқда.**

Буни хусусий тармоққа кўрсатилаётган молиявий ёрдам тобора кўпайиб бораётганлигида ҳам кўриш мумкин.

Олмалик шаҳридаги тадбиркорлар ҳам бундай имкониятлардан тўғри фойдаланиб, банклардан кредитлар олиш ва уни аниқ мақсадлар йўлида ишлатишга ҳаракат қилмоқдалар. Айти вақтда уларнинг сафи ҳам кенгайиб бораёпти. Бугунги кунда шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси 420 дан ортиқ юридик шахслар ва 2445 нафар жисмоний шахсларни рўйхатга олди. Палата ходимлари тадбиркорларнинг яхши маслаҳатчилари бўлиб қолишган. Турли муаммоларни ҳал қилишда уларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Чунончи, тадбиркор Мирзайўлдош Бобоев ўзининг «Ирода» хусусий корхонасидаги мавжуд макарон цехи ускуналарини янгилаш мақсадида палата кўмагида банкдан 9 миллион 600 минг сўм кредит олди. Харид қилинган янги ускуналар туфайли цех-

нинг иш қуввати қарийб икки баробарга ортиди, янги иш ўринлари барпо этилди.

Якка тартибдаги меҳнат тури билан шуғулланувчилар ҳам кредит орқали бўладиган имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Мамасодиқ Анорбоев 1 миллион сўм кредит ёрдамида қандолат маҳсулотлари турини яна иккитага кўпайтирди ҳамда иш ўрнида қулайликлар яратди.

Назира Набиева ҳам тикувчилик ускуналари сотиб олиш мақсадида 680 минг сўм кредит олган эди. Орадан кўп вақт ўтмай, унинг тикувчилик цехи хоналаридан бирида ўрнатилган ускуналарни ёнида 10 нафар ёш қизлар пайдо бўлди.

— Тошкентдаги «Машхура» фирмасига бориб, тикувчилик сирларини ўрганиш ниятим бор эди, — деди Озода Бозорбоева. — Олмаликда шундай мактаб очилганлигини эшитиб, ўрта мактаб битниргандан сўнг шу ерга келдим. Ўн ойлик дастур асоси-

да ўқув-машғулотларини бошлаганмиз. Ўқишимиз охирига етмасдан мен ҳам мустақил иш бажаришга ўтдим. Энди менинг ҳам ўз бюртмачиларим бор. Устозимга раҳмат.

Якка тартибда меҳнат билан шуғулланаётган Наталья Вишневская ҳам 680 минг сўмлик кредит билан аёллар сартарошхонаси очиб олди. Оилавий тадбиркорлар ҳам тобора кўпроқ кредит олишмоқда. Уларга ажратишга мўлжалланган маблағлардан 17 миллион 376 минг сўм пул 17 та оилавий тадбиркорга тақсимланди.

Олмаликлик тадбиркорлар қаторида фермерлар ҳам бор. Улар шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан бамаслаҳат иш юритиб, ўз фаолиятида яхши натижаларга эришиб келишяпти. Жумладан, «Хисомиддин ота» фермер хўжалиги аъзолари ўзаро маслаҳат билан фаолиятни янада кенгайтиришга бел боғлаган эдилар. Раҳбар Рафазль Биков

палатага келиб, банкдан кредит олиш нияти борлигини билдирганида, ахборот-маслаҳат маркази орқали унга ҳамма зарур ҳужжатларни, бизнес-режаларни тайёрлашда, банк билан бўладиган муносабатларда кўмак берилди. Натижада фермер уч йиллик муддат билан 10 миллион сўм кредит олди. У қисқа вақт ичида сермаҳсул, зотли молларни сотиб олди. Ҳозирги кунларда у ўзига билдирилган ишончни оқлаб келаяпти.

Кредитлар олишда тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган палата ва унинг ахборот-маслаҳат маркази олинган маблағнинг белгиланган йўналиш бўйича сарфланишида ҳам ёрдам бераёпти. Тадбиркорларга фаолият бошлаш ва уни кенгайтириш учун кредит ажратишда шаҳардаги барча банк бўлимлари қатнашмоқдалар. Буни «Ўй-жой жамғарма банк»нинг Олмалик бўлими мисолида ҳам кўрса бўлади. У ўтган йил мобайнида 846 миллион 900 минг сўмлик 163 та кредит ажратган бўлса, жорий йилнинг ўтган ойларида 329 миллион 200 минг сўм маблағ олти йўналишда фаолият юритаётган 36 нафар тадбиркорларга тақсимлаб берилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ходимлари ишбилармонлар оғирини енгил қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини янада авж олдиришга астойдил интиломоқдалар. Улар тадбиркорларга «кредит биздан, ҳаракат сиздан» демоқдалар. Олинган сармоядан оқилона фойдаланиб, ишончни оқлаётган ишбилармонларга доим маблағ билан қарашига тайёр эканликларини изҳор қилмоқдалар.

**Темура ҲАЙДАРОВ.**

## Dushanba 19

### «Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.45 «Тахлилнома»  
8.45, 17.55 ТВ маркет.  
8.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Хужжатли телесериал.  
9.40 «Соғлом она - соғлом бола»  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар  
Ёзги таътил кунларида:  
10.05 «Камалак». Болалар учун кинодастур.  
11.30 «Туркистон» камер оркестрининг концерти.  
11.45 «Имконият».

12.05 «Рангин дунё».  
12.25, 13.50 ТВ клип.  
12.35 «Дастурхон атрофида»  
12.45 «Иф қалъасининг маҳбуси».  
Телесериал. 1-қисм.  
14.10 «Қишлоқ ҳаёти»  
14.30 Кундузги сеанс: «Оцеола». Бадий фильм.  
16.05 «Шахсий фикр»  
16.35 «Раксининг сеҳри олами»  
«Болалар сайёраси»: 16.55 1. «Улғайиш поғоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.  
18.10 «Халқ ўйинлари». Спорт дастури.  
18.30 Мумтоз наволар.  
18.45 «Саховат».

## Seshanba 20

### «Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот»  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
9.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Хужжатли телесериал.  
9.50 «Табиат шифохонаси»  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар  
10.05 «Мулкдор»  
Ёзги таътил кунларида:  
10.25 «Қизил қор ёқанда». Бадий фильм.  
11.40 «Портретга чизгилар»  
11.55 ТВ анонс.  
12.05 2004 йил - Мехр ва мурувват йили. «Химмат»  
12.25 «Тадбиркор ва қонун»  
12.55 «Иф қалъасининг маҳбуси».  
Телесериал. 2-қисм.  
14.10 «Муносабат»  
14.40 Кундузги сеанс:

«Хоним ва қароқчи». Бадий фильм.  
«Болалар сайёраси»: 15.55 1. «Туғилган кун». Теленовелла. 2. «Қувноқ стартлар»  
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан»  
18.10 «Муми-тролл ва бошқалар». Мультфильм.  
18.30 «Эл саломатлиги йўлида»  
18.45 «Остонаси тиллодан»  
19.05 «Тафсилот»  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртакла-ри.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида).  
20.30 «Ахборот»  
21.05 «Мисрлик дўстимиз». Видеофильм.  
21.35 Бир жуфт қўшиқ.  
21.45 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Куз

19.05 «Мулкдор»  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртакла-ри.  
20.15 «Зомин мушонаси»  
20.30 «Ахборот»  
21.05 2004 йил - Мехр ва мурувват йили. «Химмат»  
21.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Р.Комилов.  
21.55 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Куз эртаги». Телесериал. (Корея)  
22.55 «Ахборот-дайжест»  
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.  
«Ёшлар»  
16.55 Кўрсатувлар дастури  
17.00 «Давр» ҳафта ичида

17.30 «Янги авлод» почтаси  
17.50 Мульттомоша  
18.05 Истиклол умидлари  
18.25 Ёшлар овози  
18.45 Ўқишга марҳамат!  
18.50 Мумтоз наволар  
18.55, 21.55 Иқлим  
19.00, 22.00 Давр  
19.35 «Давр» - репортаж  
19.45, 22.40 ТВ-анонс  
19.50 Ишга марҳамат!  
19.55 «Мехр кўзда». Мақтубларга шарҳ  
20.15 Қўёшли юрт одамлари  
20.35, 21.25, 22.35 Ўзлонлар  
20.40 «Ёлгон асираси» Телесериал  
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим  
21.50 Олтин мерос  
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол  
0.25-0.30 Хайрли тун.  
«Тошкент»  
17.10 Кўрсатувлар

тартиби.  
17.20 ТТВда сериал. «Луиза Фернанда»  
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»  
17.55 «Хориж хабарлари»  
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.  
18.15 «Халқ саломатлиги йўлида»  
18.30, 20.00, 20.55, 21.35 «Пойтахт» ахборот дастури.  
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»  
19.20 ТТВда сериал. «Муҳаббат тарихи»  
20.20 «Мурувват»  
21.15 «Долзарб мавзу»  
21.55 «Ёшлар даврасида»  
22.15 «Худусийлаштириш: кадам-бакадам»  
22.35 ТТВда сериал: «Ҳақиқат чегараси»  
23.00 Кинонигоҳ.  
«Ижарага олинган бола»  
00.35-00.40 Хайрли тун,

шаҳрим!  
«Спорт»  
7.30 Хабарлар  
7.45 Бардам бўлинг. Тонгги дам олиш дастури  
8.45 Хабарлар (рус тилида)  
9.00 Эпчил болалар. Мультсериал  
9.10 Жаҳон спорти. Проф-РИНГ.  
10.10-10.40 От спорти. Ўзбекистон чемпионати  
15.20 Кўрсатувлар тартиби  
15.25 Футбол. Осиё чемпионати Жанубий Корея-Иордания (тўғридан-тўғри узатилади). Танаффусда Хабарлар (рус тилида)  
17.20 Премьера. «Ширвиндга-70». Хужжатли фильм.  
17.50 «Клон» сериал  
18.50 Миллионга кир ювиш  
19.00 Мени кутгил  
20.00 Время

20.30 Спортимиз маликалари  
20.50 Спорт клуб  
21.00 Хабарлар  
21.15 Футбол. Осиё чемпионати Кувайт-Бирлашган Араб Амирлиги  
22.50 Футбол. Осиё чемпионати кундалиги  
23.10 Тунингиз осуда бўлсин!

30-канал  
16.55 гача профилактика ишлари  
16.55 Ойроқте програ-ммы  
17.00 «Теле-хамкор»  
17.30 «Детский час»  
17.50 Киновечер на «30-м»: «Птица клетка», комедия  
19.20 «Господа офицеры», сериал  
20.10 «Ошикона», мусикий дастури  
20.40 «Спокойной ночи малыши»  
21.00 «Теле-хамкор»  
21.30 «Музыкальная пауза»  
22.00 Киновечер на «30-м»: «Оскар», комедия  
24.00 Програ-мма передача

## Chorshanba 21

### «Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот»  
8.35 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
9.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Хужжатли телесериал.  
9.50 Мусикий танаффус.  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар  
10.05 «Тафсилот»  
Ёзги таътил кунларида:  
10.25 «Шахризода-нинг янги эртакла-ри». Бадий фильм.  
11.30 «Саргузаштлар ороли»  
12.05 «Остонаси тиллодан»  
12.25, 14.35 ТВ анонс  
12.30 «Эл саломатлиги йўлида»  
12.45 «Хангома»  
13.15 «Иф қалъасининг маҳбуси».

Телесериал. 3-қисм.  
14.10 «Санъатга бахшида умр»  
14.40 «Яхшилик»  
15.05 Кундузги сеанс: «Уч плюс икки». Бадий фильм.  
16.30 «Ягона оилада»  
«Болалар сайёраси»: 17.00 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Қизикарли учрашувлар»  
18.10 «Муми-тролл ва бошқалар». Мультфильм.  
18.25 «Куйла, ёшлигим»  
18.45 «Армон»  
19.05 «Ҳаёт ва қонун»  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида).  
20.00 Оқшом эртакла-ри.  
20.15 «Юзма-юз»  
20.30 «Ахборот»  
21.05 «Долзарб мавзу»  
21.25 «Хониш».

Мусикий дастур  
21.55 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Куз эртаги». Телесериал.  
22.55 «Ахборот-дайжест»  
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.  
«Ёшлар»  
6.55 Кўрсатувлар дастури  
7.00 «Мунаввар тонг» Информацион-дам олиш дастури  
8.30 «Янги авлод» студияси: Ёқимли иштаха  
8.50, 12.20, 13.10, 15.55, 19.55, 22.40 ТВ-анонс  
8.55 Иқлим  
9.00, 13.00, 16.00 Давр  
9.25 «Ёлгон асираси». Телесериал  
10.05 «Давр» - интер-вью  
10.20 Таянч  
10.40 «Учинчи сайёра». Маърифий дастури  
11.30 Футбол-плюс  
11.50 «Фантадорм». Мультфильм  
12.25, 21.30 Ёшлар овози  
12.45, 17.00, 20.10

Мусикий лаҳзалар  
13.15 Болалар учун мультсериал: «Шарки ва Жорж»  
13.40 «Янги авлод» студияси: Билагон маслаҳати  
14.00 «Мехр кўзда» Мақтубларга шарҳ  
14.20 «Қайнона». Бадий фильм  
15.35 Фазал соғинчи  
16.10 «Сув ости тадқиқотлари». Хужжатли сериал  
17.05 Кўрсатувлар дастури  
17.10 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар  
17.30 «Ҳеч ҳам қўрқмаймиз». Мультфильм  
17.40 Наво  
18.00 Тенгдошлар  
18.20 Сийрат  
18.40 Каталог  
18.50 Мумтоз наволар  
18.55, 21.55 Иқлим  
19.00, 22.00 Давр  
19.35 Ишга марҳамат!  
19.40 Далил ва шарҳ  
20.00 Спорт-лотто  
20.15 Очил дастурхон  
20.35, 21.25, 22.35 Ўзлонлар  
20.40 «Ёлгон асираси». Телесериал  
21.50 Олтин мерос

22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Ринг қироллари  
23.35-23.40 Хайрли тун  
«Тошкент»  
17.10 Кўрсатувлар тартиби  
17.20 ТТВда сериал. «Луиза Фернанда»  
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»  
17.55 «Хориж хабарлари»  
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.  
18.15 «Мусикий меҳмонхона»  
18.30, 20.00, 20.55, 21.40 «Пойтахт» ахборот дастури.  
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»  
19.20 ТТВда сериал. «Муҳаббат тарихи»  
20.20 «Химоя»  
21.15 «Аёл-она, мурабий, раҳбар» телеклуби.  
22.00 ТТВда сериал: «Ҳақиқат чегараси»  
22.25 ТТВда премьера: «Ҳиссиёт ва тафаккур»  
00.40-00.45 Хайрли тун, шаҳрим!  
«Спорт»

7.30 Хабарлар  
7.45 Бардам бўлинг. Тонгги дам олиш дастури  
8.45 Хабарлар (рус тилида)  
9.00 Болалар спорти  
9.15 Эпчил болалар мультсериал  
9.25 Қувноқ стартлар  
10.00 От спорти.  
Ўзбекистон чемпионати  
10.30 Маҳорат қирралари  
11.05 Л.Куравлев, И.Муравьева «Биз имзо чекувчилар» фильмида 2-қисм  
12.40-13.00 Эфир юлдузлари. В.Ворошилов. 2-қисм  
15.20 Кўрсатувлар тартиби  
15.25 Футбол. Осиё чемпионати. Баҳрайн-Қатар (тўғридан-тўғри узатилади). Танаффусда Хабарлар. (рус тилида)  
17.20 Шунчаки кулги  
17.50 Клон сериал  
18.50 Миллионга кир ювиш  
19.00 Қора кузгун сериал  
20.00 Время  
20.30 Болалар спорти  
20.45 Оғир атлетика.

Республика турнири.  
21.00 Хабарлар  
21.15 Футбол. Осиё чемионати. Индонезия-Хитой  
22.50 Футбол. Осиё чемпионати кундалиги  
23.10 Тунингиз осуда бўлсин!

30-канал  
12.00 Ойроқте програ-ммы  
12.05 «Теле-хамкор»  
12.30 «Детский час»  
13.00 «Господа офицеры», сериал  
14.00 Худо-жественный фильм, «Пожиратель змей», остросо-жетный фильм  
15.30 «Всё о рыбалке»  
16.00 «Тайны мира», поз-навательная передача  
17.00 «Теле-хамкор»  
17.30 «Детский час»  
17.50 Киновечер на «30-м»: «Разборчивый же-ных», комедия  
19.20 «Зо-лото Югры», сериал  
20.10 «Ошикона», мусикий дастури  
20.40 «Спокойной ночи малыши»  
21.00 «Теле-хамкор»  
21.30 «Музыкальная пауза»  
22.00 Киновечер на «30-м»: «Не-исправимый», комедия  
24.00 Програ-мма передача

## Payshanba 22

### «Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот»  
8.35, 17.55 ТВ маркет  
8.40 Газеталар шарҳи.  
«Болалар сайёраси»: 9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Қизикарли учрашувлар»  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар  
10.05 Алифбо сабоқлари.  
Ёзги таътил кунла-рида:  
10.25 «Шахризода-нинг янги эртакла-

ри». Бадий фильм. 2-қисм.  
11.20 «Қалб гавҳари»  
11.40 «Ҳаёт ва қонун»  
12.05 Мусикий танаф-фус.  
12.20, 13.00 ТВ анонс.  
12.25 «Харакатда-баракат»  
12.40 «Дунё бўйлаб»  
13.05 «Иф қалъаси-нинг маҳбуси»  
Телесериал. 4-қисм.  
13.50 ТВ клип.  
14.10 «Долзарб мавзу»  
14.30 «Созлар садо-си». Мусикий дастур.  
15.00 «Мулки борлиқ»  
15.20 Кундузги сеанс:

«Ноёб тур». Бадий фильм.  
16.35 «Мувоzanат»  
«Болалар сайёраси»: 16.55 1. «Болалар спорти». 2. «Цирк, цирк, цирк»  
18.10 «Миср: кеча ва бугун». Хужжатли фильм.  
18.25 «Яхшилар ёди»  
18.45 «Маслак ва максад»  
19.05 «Масъул сўз»  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртакла-ри.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида).  
20.30 «Ахборот»  
21.05 Телемулоқот.  
21.50 «Буюк аждодла-римиз».

22.10 «Келин-куёв»  
23.10 «Ахборот-дайжест»  
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.  
«Ёшлар»  
6.55 Кўрсатувлар дастури  
7.00 «Мунаввар тонг» Информацион-дам олиш дастури  
8.30 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар  
8.50, 11.10, 13.10, 19.50, 22.40 ТВ-анонс  
8.55 Иқлим  
9.00, 13.00, 16.00 Давр  
9.25 «Ёлгон асираси». Телесериал  
10.05 Тенгдошлар  
10.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастури  
11.05 Автосалтанат  
11.25 «Жонли кама-лак». Болалар учун

фильм  
12.30, 18.05 Ёшлар овози  
12.50, 15.55, 20.10 Мусикий лаҳзалар  
13.15 Болалар учун мультсериал: «Шарки ва Жорж»  
13.40 Чемпион сирлари (рус тилида)  
14.05 Дўстлик таронала-ри (рус тилида)  
15.05 Саёхатнома  
15.25 «Ўзбектеле-фильм» студияси намоиши: «Сеҳрли камон»  
15.35 Сийрат  
16.10 «Сув ости тадқиқотлари». Хужжатли сериал  
17.00 Кўрсатувлар дастури  
17.05 «Янги авлод» студияси: Шум болалар  
17.25 Мульттомоша

17.45 Қўли гул уста  
18.25 Табобат оламида  
18.50 Мумтоз наволар  
18.55, 21.55 Иқлим  
19.00, 22.00 Давр  
19.35 «Давр» - интер-вью  
19.55 Ишга марҳамат!  
20.00 Кулгич  
20.05 «COSCOM» хабарлари  
20.15 Биринчи ютуқлар ўйини: «Аҳойиб ёзни NESTLE PURE LIFE ичимлик суви билан ўтказ»  
20.35, 21.25, 22.35 Ўзлонлар  
20.40 «Ёлгон асираси». Телесериал  
21.30 Бегойим  
21.50 Олтин мерос  
22.45 «Чайн боласи». Бадий фильм  
23.55-0.00 Хайрли тун

«Тошкент»  
17.10 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал. «Луиза Фернанда»  
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»  
17.55 «Хориж хабарлари»  
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.  
18.15 «Навниҳол»  
18.30, 20.00, 20.55, 21.40 «Пойтахт» ахборот дастури.  
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»  
19.20 ТТВда сериал. «Муҳаббат тарихи»  
20.20 «Эл хизмати-да»  
21.15 «Биз ва болалар»  
22.00 «Бурч ва масъулият»  
22.20 ТТВда

сериал: «**Ҳақиқат чегараси**»  
22.45 «**Таваккал**».  
Телесериал.  
23.50-23.55 Хайрли тун, шаҳрим!

**«Спорт»**

7.30 Хабарлар  
7.45 Бардам бўлинг.  
Тонги дам олиш дастури

8.45 Хабарлар (рус тилида)  
9.00 Болалар спорти  
9.15 Эпчил болалар мультсериал  
9.25 От спорти.  
Ўзбекистон чемпионати  
10.10 Аралаш  
10.20 Мультсериал  
10.40 Заҳирадаги спортчи  
11.00 Спорт клуб: Спорт

масканларида  
11.20-13.00 В.Телички-на. Н.Рибников «**Шунинг учун севаман**» фильмида  
15.20 Кўрсатувлар тартиби  
15.25 Футбол. Осиё чемпионати. Туркменистон-Ироқ (тўғридан-тўғри узатилади) танаффусда Хабар-

лар (рус тилида)  
17.20 Латифалар  
17.50 Клон. Сериал  
18.50 Миллионга кир ювиш  
19.00 Кора кузгун.  
Сериал  
20.00 Время  
20.30 Болалар спорти  
20.45 Спорт — менинг ҳаётим  
21.00 Хабарлар

21.15 Футбол Осиё чемпионати. Ўзбекистон - Саудия Арабистони.  
22.50 Нокаут  
23.20 Футбол. Осиё чемпионати кундалиги  
23.40 Тунингиз осуда бўлсин!  
**30-канал**  
12.00 Открытие програм-

мы 12.05 «Теле-хамкор» 12.30 «Детский час» 13.00 «Золото Югры», сериал 14.00 Художественный фильм. «Неисправимый», комедия 15.30 «Всё о рыбалке» 16.00 «Тайны мира», познавательная передача 17.00 «Теле-хамкор» 17.30 «Детский час» 17.50 Киновечер на «30-м»: «Убрать перископ», комедия 24.00 Программа пере-

данный фильм 19.20 «Золото Югры», сериал 20.10 «Ошикона», мусикий дастури 20.40 «Спокойной ночи малыши» 21.00 «Теле-хамкор» 21.30 «Музыкальная пауза» 22.00 Киновечер на «30-м»: «Убрать перископ», комедия 24.00 Программа пере-

**Juma****23****«Ўзбекистон»**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
Болалар сайёраси:  
9.00 1. «Болалар спорти». 2. «Цирк, цирк, цирк»  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар  
Ёзги таътил кунларида:  
10.05 «Ўрмон китоби». Бадий фильм.  
11.55 ТВ анонс.  
12.05 «Масъул сўз».  
12.25 «Достонлардан қўшиқлар».  
12.40 «Буюк аждодларимиз»  
13.00 «Куз эртаги». Телесериал.  
14.10 Телемулоқот.  
14.55 «Яхшилар ёди»  
15.15 «Озодон севаман». С.Айний номиди Бухоро вилоят театри спектаклининг премьераси.

16.15 «Таълим ва тараққиёт»  
«Болалар сайёраси»:  
16.35 1. «Ёш юлдузлар». 2. «Ўйла, Изла, Топ!»  
17.35 Мусикий танаффус.  
17.45 «Нурли манзиллар»  
18.10 «Сиҳат-саломатлик»  
18.30 «Тафсилот»  
18.45 «Ҳаётимиз қомуси»  
19.05 «Хидоят сари»  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшларлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида).  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 «Дастурхон атрофида»  
20.30 «Ахборот»  
21.05 «Солиқ хизмати хабарлари»  
21.10 «Муносабат»  
21.40 «Ўлмас оҳанглар»  
22.00 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Флаббер» Бадий фильм.

23.30 «Ахборот-дайжест»  
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар»**

6.55 Кўрсатувлар дастури  
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури  
8.30 «Янги авлод» студияси: Шум болалар  
8.50, 13.10, 15.25, 18.25, 19.40 ТВ-анонс  
8.55 Иқлим  
9.00, 13.00, 16.00 Давр  
9.25 «Ёлгон асираси». Телесериал  
10.05 «Давр»-интервью  
10.20 «Сехрли саргузашт». Болалар учун фильм  
11.30 Қўли гул уста  
11.50 Далил ва шарҳ  
12.05 ТВ-адвокат  
12.10 «Ўзбектеле-фильм» студияси намоиши: «Усимликлар дунёси», «Миздақон»  
12.30 Ёшлар овози  
12.50, 15.50, 20.20 Мусикий лаҳзалар  
13.15 Болалар учун мультсериал: «Шарки ва Жорж»  
13.40 Бегойим

14.00 «Амар, Акбар, Антони». Бадий фильм 1-серия. (Хиндистон)  
15.30 Эрта сўнган юлдузлар  
16.10 «Амар, Акбар, Антони». Бадий фильм 2-серия.  
17.35 Кўрсатувлар дастури  
17.40 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?  
18.05 Ёшлар куйлаганда  
18.30 Аскар мактублари  
18.45 Ўқишга марҳамат  
18.50 Мумтоз наволар  
18.55, 21.55 Иқлим  
19.00, 22.00 Давр  
19.35 Солиқ хизмати хабарлари  
19.45 Ишга марҳамат!  
19.50 Сув - ҳаёт манбаи  
19.55 Одил сўз  
20.15 ТВ-адвокат  
20.30 ТВ - дорихона  
20.35, 21.25, 22.35 Ёшларлар  
20.40 «Ёлгон асираси». Телесериал  
21.30 Кишлоқдаги тенгдошим  
21.50 Олтин мерос  
22.45 Кинотакдим  
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури:

Интерфутбол  
23.45-23.50 Хайрли тун  
**«Тошкент»**  
17.10 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал. «Луиза Фернанда»  
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»  
17.55 «Хориж хабарлари»  
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.  
18.15 «Болажонлар экран»  
18.30, 20.00, 20.55, 22.35 «Пойтахт» ахборот дастури.  
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»  
19.20 ТТВда сериал. «Муҳаббат тарихи»  
20.20 «Набатчи қисм»  
21.15 «Аёллар салтанати»  
21.45 «Янги иқтисод». Бевоқифа мулоқот.  
22.55 ТТВда сериал: «Кайсар ва довураклар»  
23.20 «Таваккал». Телесериал.  
00.25-00.30 Хайрли тун, шаҳрим!  
**«Спорт»**  
7.30 Хабарлар  
7.45 Бардам бўлинг.

Тонги дам олиш дастури  
8.45 Хабарлар (рус тилида)  
9.00 Болалар спорти  
9.15 Эпчил болалар мультсериал  
9.25 От спорти.  
Ўзбекистон чемпионати  
9.55 Спорт клуб. Ринг  
10.25 Спорт менинг ҳаётим: Аллокомат.  
10.45 Дунё манзаралари  
11.05-12.40 О.Фомин, В.Проскурин «**Маскарабозни ўлдириш**» фильмида  
15.20 Кўрсатувлар тартиби  
15.25 Футбол. Осиё чемпионати. Иордания-Кувейт (тўғридан-тўғри узатилади) танаффусда Хабарлар (рус тилида)  
17.20 Ялпи таъқиб. Кинокомедия  
18.50 Мўжизалар майдони  
20.00 Время  
20.30 Болалар спорти  
20.45 Спорт — менинг ҳаётим: Майдон ортидаги одам  
21.00 Хабарлар  
21.15 Дадиллик учун соврин  
21.40 Футбол. Осиё чемпионати. Бирлаш-

ган Араб Амирлиги — Жанубий Корея.  
23.15 Футбол. Осиё чемпионати кундалиги  
23.35 Тунингиз осуда бўлсин!  
**30-канал**  
12.00 Открытие программы 12.05 «Теле-хамкор» 12.30 «Детский час» 13.00 «Золото Югры», сериал 14.00 Художественный фильм. «Убрать перископ», комедия 15.30 «Ошикона», мусикий дастури 16.00 «Тайны мира», познавательная передача 17.00 «Теле-хамкор» 17.30 «Спорт-экстрим» 17.50 Киновечер на «30-м»: «Газета», комедия 19.20 Звезды ринга на «30-м»: Лучшие поединки звезд профессионального и любительского бокса 20.10 «Ошикона», мусикий дастури 20.40 «Лучшие клипы» 21.00 «Теле-хамкор» 21.30 «Музыкальная пауза» 22.00 Киновечер на «30-м»: «Жагда смерти 4», триллер 24.00 «Ночной канал» - «Али», остросюжетный фильм

**Shanba****24****«Ўзбекистон»**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ анонс.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
Болалар сайёраси:  
9.00 1. «Ёш юлдузлар». 2. «Ўйла, Изла, Топ!»  
10.00 «Хидоят сари»  
10.20 «Бу турфа олам»  
11.10 «Тафсилот»  
11.30 «Балто-2»  
Мультфильм.  
12.45 Телетанлов: «Алломиш авлодлари». Фаргона вилояти.  
13.05 «Хониш»  
Мусикий дастури.  
13.35 «Куз эртаги»  
Телесериал.  
14.35, 16.55 ТВ анонс.  
14.40 «Дўстлик» студияси: 1. «В доброй хате». 2. «Бизнен мирас». 3. «Истоки»

15.40 ТВ клип.  
15.50 «Оталар сўзи - ақлнинг қўзи»  
17.00 «Изхор»  
17.20 «Куч - билим ва тафаккурда»  
17.40 «Қалб гавҳари»  
18.00 Болалар учун. «Саргузаштлар ороли»  
18.30 «Куйла, ёшлигим»  
18.50 «Қишлоқ ҳаёти»  
19.10 «Ўзлотто»  
Телелотерея.  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшларлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида).  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 FEN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).  
20.30 «Ахборот»  
21.05 «Ҳап чикди»  
21.50 Бир жуфт қўшиқ.  
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:  
22.00 «КиноТеатр»

22.20 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «**Тиниқ дарё мавжлари**». Бадий фильм.  
00.20 «Ахборот-дайжест»  
00.40-00.45 Ватан тимсоллари

**«Ёшлар»**

6.55 Кўрсатувлар дастури  
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури  
8.30 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?  
8.55 Иқлим  
9.00, 19.00 Давр  
9.25 «Ёлгон асираси». Телесериал  
10.05 Табобат оламида  
10.30 «Ана, холос». Мультфильм  
10.40 Мусикий лаҳзалар  
10.50 Томир  
11.10, 17.05 ТВ-анонс  
11.15 «Грейс ва Глория қиссаси» Бадий фильм  
12.45 Интерфутбол  
14.25 Кишлоқдаги тенгдошим  
14.45 Жаҳон мусиқаси

ҳазинасидан. «**Отелло**» операси  
17.10 Кўрсатувлар дастури  
17.15 «Янги авлод» студияси. Бўш ўтирма  
17.40 Бола тилидан  
18.10 Дунё ажойиботлари  
18.20 Саломатлик сирлари  
18.40 Каталог  
18.50 Мумтоз наволар  
18.55, 21.55 Иқлим  
19.35 «Давр» - репортаж  
19.50 Кутилмаган меҳмон  
20.15 Минг бир ривоят  
20.20 Оханрабо  
21.00, 22.35 Ёшларлар  
21.05 «Виждон амри». Бадий фильм.  
22.00 Давр  
22.40 «Виждон амри». Бадий фильм (давоми)  
23.20-23.25 Хайрли тун  
**«Тошкент»**  
17.10 Кўрсатувлар тартиби  
17.20 Болажонлар экран.  
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»  
17.55 «Мультчархпа-

лак»  
18.15 «Хусусийлаштириш: кадам-бакадам»  
18.35 «Жаҳон географияси»  
19.05, 20.25 «Экспресс» телегазетаси.  
19.20 «Экран зийнати ва қиймати»  
19.50 «Афиша»  
20.10 «Мисли гавҳар»  
20.40 «Табриклаймиз-кутлаймиз»  
21.10 «Нима учун?»  
21.40 ТТВда сериал: «**Ҳақиқат чегараси**»  
22.05 «Таваккал». Телесериал.  
23.10-23.15 Хайрли тун, шаҳрим!  
**«Спорт»**  
7.30 Хабарлар  
7.45 Бардам бўлинг.  
Тонги дам олиш дастури  
8.45 Хабарлар (рус тилида)  
9.00 Эпчил болалар. Мультсериал.  
9.10 Лаззат  
9.30 Аср сирлари.  
«**Мерилин Монро**. Голливуд фожеаси»  
10.10 «Ўйга қайтиш». В.Пресняков. Екате-

ринбург.  
11.0 Янгиликлар  
11.10 А.Ширвинд  
«**Никох саватидаги миллион**» комедиясида.  
13.00 Болалар спорти  
13.15 Кўнгул — кўнгулга пайванд  
14.50 Кўрсатувлар тартиби  
14.55 Футбол. Осиё чемпионати. уммон-Эрон (тўғридан-тўғри узатилади). Танаффусда Хабарлар (рус тилида)  
19.15 Болалар спорти  
19.35 Кун мавзуси  
20.00 Время  
20.20 Ўзбекистон ифтихорлари  
20.40 Футбол. Осиё чемпионати кундалиги  
21.00 Хабарлар  
21.15 «**Sport TV**» да кино: «**Бу муҳаббат йўллари**» бадий фильм

23.40 Тунингиз осуда бўлсин!  
**30-канал**  
9.00 Открытие программы 9.05 «Теле-хамкор» 9.30 «Детский час» 10.00 Фильм детям: «Али-баба и сорок разбойников», 1-я серия, сказка 11.30 «Окно в мир» - документальный фильм 12.00 «Жагда смерти 4», триллер 13.40 Звезды ринга на «30-м»: Лучшие поединки звезд профессионального и любительского бокса 14.30 Индийское кино: «Долгая разлука» 17.10 «Дикая планета», познавательная передача 18.00 «Теле-хамкор» 18.20 Киновечер на «30-м»: «Салют героям», остросюжетный фильм 19.50 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 Хит-парад.uz 21.20 «Теле-хамкор», фойдали газета 21.30 «Дальнотбойчи-ки», сериал 22.20 Киновечер на «30-м»: «Секрет моего успеха» комедия 24.00 «Ночной канал» - «Роковая кража», драма

**Yakshanba****25****«Ўзбекистон»**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»  
8.00-8.35 «Ахборот»  
8.35 «Камалак»  
Болалар учун кинодастури.  
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан»  
11.00 «Она меҳри»  
11.20 «Бу турфа олам»  
12.10 «Лаззат сеҳри»  
12.35 «Айтишув»  
13.05 ТВ анонс.  
13.10 «Куз эртаги»  
Телесериал.  
14.10 «Ҳап чикди»  
14.55 «Дўстлик» студияси: 1. «Рангинкамон». 2. «Дидар». 3. «Гарлашлиг дунёсинда». 4. «Чинсэн»  
16.15 «Олтин оху»  
Мультфильм.  
16.45 Телевизион миниатюралар театри.  
«Болалар сайёраси»:  
17.15 1. «Ўлғайиш

поғоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.  
18.15 Эстрада тароналари.  
18.35 «Иқтидор»  
Телесериал.  
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Ёшларлар  
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида).  
20.05 «Рангин дунё»  
20.30 «Тахлилнома»  
21.15 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили. «Яхшилик»  
21.40 «Қўшиғимиз Сизга армуғон»  
«Якшанба кинозали»:  
22.10 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «**Томдаги гусар**». Бадий фильм.  
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар»**  
6.55 Кўрсатувлар дастури  
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури

8.30 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма»  
8.55 Иқлим  
9.00 «Давр» - репортаж  
9.10 Кинотакдим  
9.30 Томорқа  
9.40 Очил дастурхон  
10.00, 12.50, 16.00, 17.05, 19.20 ТВ-анонс  
10.05 «Заковат»  
Интеллектуал ўйин.  
10.55 «Алиса гаройиботлар мамлакатиди»  
Мультфильм  
12.10 Оханрабо  
12.55 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон, 2. Аскар мактублари  
13.35, 16.55 Мусикий лаҳзалар  
13.45 «Учинчи сайёра» маърифий дастури  
14.35 «Аянинг қўнғироқчалари»  
Бадий фильм  
16.05 Ринг қироллари  
17.10 Кўрсатувлар дастури  
17.15 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус  
17.40 Спорт ҳафтано-маси  
17.55 Фарзандим -

жигарбандим  
18.25 Очун  
18.50 Мумтоз наволар  
18.55, 21.55 Иқлим  
19.00 «Давр» - news  
19.25 «Нихол» мукофоти соҳиблари куйлайди  
19.45 Кулгич  
19.50 Сув - ҳаёт манбаи  
19.55 «Қилни қирқ ёриб» Интеллектуал ўйин  
20.45, 22.30 Ёшларлар  
20.50 «Океан тубида» Бадий фильм  
21.50 Олтин мерос  
22.00 «Давр» ҳафта ичида  
22.35 «Океан тубида» Бадий фильм (давоми)  
23.35-23.40 Хайрли тун  
**«Тошкент»**  
17.10 Кўрсатувлар тартиби  
17.20 Болажонлар экран.  
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»  
17.55 «Эртақларнинг сеҳрли олами»  
19.35 «Жаҳон географияси»  
20.05 «Шунақа гаплар»  
Ҳажвий кўрсатув.  
20.20, 21.25 «Эксп-

ресс» телегазетаси.  
20.35 «Табриклаймиз-кутлаймиз»  
21.05 «Дугоналар»  
21.40 ТТВда сериал: «**Ҳақиқат чегараси**»  
22.05 «Тв плюс»  
22.35 «Таваккал»  
Телесериал.  
23.40-23.45 Хайрли тун, шаҳрим!  
**«Спорт»**  
7.30 Хабарлар  
7.45 Бардам бўлинг.  
Тонги дам олиш дастури  
8.45 «Полвон бўлмоқчиман»  
9.10 Д.Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари»  
9.30 «Ҳамма уйдалигда»  
10.10 Болалар спорти  
10.30 Кувноқ стартлар  
11.05 Рақибингиз гроттмейстер  
11.20 Соғломлаштирувчи йоғ. Инглиз тилида.  
11.30 Футбол мундиал  
12.00-12.00 Профессионал бокс тарихидан  
15.50 Кўрсатувлар тартиби  
15.55 Футбол. Осиё чемпионати. Хитой-Қатар (тўғридан-тўғри

узатилади). Танаффусда Хабарлар (рус тилида)  
18.00 Бинафша  
18.20 Жунглидаги Жорж. Кинокомедия.  
20.00 Время  
20.20 Халқ ўйинлари  
20.40 Футбол. Осиё чемпионати кундалиги.  
21.00 Хабарлар  
21.15 Футбол. Осиё чемпионати. Баҳрайн-Индонезия  
23.05 Тунингиз осуда бўлсин!  
**30-канал**  
9.00 Открытие программы 9.05 «Теле-хамкор» 9.30 «Детский час» 10.00 Фильм детям: «Али-баба и сорок разбойников», 2-я серия,

сказка 11.30 «Теле-хамкор» 12.00 «Секрет моего успеха», комедия 13.30 Хит-парад.uz 14.30 Дневной кинозал: «Побег» комедия 16.20 «Фактор страха» 17.10 «Дикая планета», познавательная передача 18.00 «Теле-хамкор» 18.20 Киновечер на «30-м»: «Время бешеных псов», остросюжетный фильм 19.50 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 «Дальнотбойчи-ки», сериал 21.20 «Теле-хамкор» 21.40 «Музыкальная пауза» 22.20 Воскресный кино-вечер на «30-м»: «Миротворец», остросюжетный фильм 24.00 Программа передач

Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2003 йил 22 октябрдаги 11-03-05/1262-сонли иши ажри-мига асосан, Оҳангарон шаҳридаги «Сантех-қуйма» очик ҳиссадорлик жамиятига нисбатан банкротлик иши қўзғатилган. Шу муносабат билан «Сантехқуйма» очик ҳиссадорлик жамия-ти биносида 2004 йил 20 июль соат 9.00 да кредиторлар йиғилиши бўлиб ўтди.  
Барча кредиторлар ваколатномалари билан қатнашиши шарт.  
**Манзил:** Тошкент вилояти, Оҳангарон ша-ҳри, Промзона.

• Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport •

Айни пайтда ўзбекистонлик футбол мухлислари ва мутахассислар терма жамоамизнинг нуфузли мусобақадаги имкониятларига баҳо беришга ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистон футбол федерацияси эса, футболчиларимизга камида гуруҳдан чиқиш вазифасини юклаган.

Футболчиларимиз «С» гуруҳида Ироқ, Саудия Арабистони ҳамда Туркменистон терма жамоалари билан куч синашади. Биринчи учрашув 18 июль кун ироқликларга қарши ўтказилади. Албатта, дастлабки рақиб Ироқ бўлгани биз учун айтиш мумкин. Негаки, футболчиларимиз ироқликлар амалда нимага қодир эканини яхши билади. Чунки Ироқ жаҳон чемпионати саралаш босқичида ҳам Ўзбекистон билан бир гуруҳдан жой олган ва мазкур жамоалар 18 февралда «Пахтакор» марказий стадионида 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаганди.

Терма жамоамиз раҳбариятида биринчи турдаги Саудия Арабистони – Туркменистон баҳси орқали қолган икки рақибнинг ҳам имкониятларини чамалаб олишига вақт топилади.

Бирок, гуруҳдаги асосий рақибимиз Саудия Арабистони футболчиларидир. Эътиборли томони – саудияликлар сўнгги бешта чемпионатда финалгача етиб келган ва уч маротаба қитъанинг энг зўр жамоаси совринига сазовор бўлган. Қолаверса, туркменистонликлар ҳам мусобақаларда доимо бор кучи билан ўйнайди.

Ҳозир Ўзбекистон футболда терма жамоа ўйинига жиддий таъсир ўтказадиган вазият кузатилмоқда. Гап шундаки, терма жамоада авлодлар алмаши-

## Навбат Осиё чемпионати

**Ҳали ишқибозлар хотирасида Европа чемпионати таассуротлари совимай туриб, яна бир нуфузли турнир – Осиё чемпионати эшик қоқиб турибди. Унда Ватанимиз терма жамоасининг иштирок этиши янада ҳаяжонли, албатта**



нуви юз берапти. Шу пайтгача муҳим учрашувларда асосан хорижда тўп сураётган легионерларимиз майдонга туширилганди. Бирок терма жамоа эсда қоларли турнирларда муваффақиятга эришолмади.

Вакилларимиз 2002 йилги

жаҳон чемпионати финал қисмига чиқолмагач, футбол мутасаддилари «Пахтакор» жамоасини барча терма жамоалар базасига айлантиришни маъқул топганди. Натижада бугунга келиб легионерлар хизматига бўлган эҳтиёжimiz бироз камайди.

Бундан терма жамоага легионерлар керакмас экан, деган хулосага келиш ярамайди. Лекин терма жамоанинг бугунги аҳволи хорижда тўп сураётган футболчиларимизга доим ҳам суяниб бўлмаслигини кўрсатиб қўйди. Натижада бош мураббий Равшан Ҳайдаров Осиё чемпионати олдидан уч-тўртта ишонган футболчисидан айрилди. Максим Шацких («Динамо», Украина) Хитойда пневмония хасталигига чалиниши мумкинлигини айтиб, терма жамоага ёрдам беролмаслигини билдирди. Россияда ўйнаётган В.Карпенко («Шинник») УЕФАнинг Интертото кубоги баҳсларини афзал билди, О.Пашининга «Локомотив» раҳбариятидан рухсат тегмади, В.Маминов оғир жароҳат олган. Асосий дарвозабонимиз – А.Поляков таркибга кейинроқ қўшиладиган бўлди.

Очиғи, Осиё чемпионатида Жанубий Корея, Япония, Саудия Арабистони ҳамда Хитой терма жамоаларининг имконияти юқори баҳоланмоқда. Бирок яқинда яқунланган Европа чемпионати замонавий футболда башоратлар ўзини оқлашмаслигини кўрсатди. Футболда улкан ғалабаларни соғинган халқимизнинг футболчилардан умиди катта. Ахир халқро майдонда эришилган ягона ютуғимизга ҳам оз эмас – кўп эмас ўн йил бўлди. Ушанда 1994 йили Японияда ўтказилган Осиё ўйинларида илк бор қатнашган футболчиларимиз бош совринни қўлга киритган эди. Ҳозир ҳаммани бир савол қизиқтирмоқда – Ўзбекистон Греция каби қитъа чемпиони бўла оладими?!

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**  
спорт шарҳловчиси.

## Вилоят термаси сараланди

**Тошкент туманидаги 4-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 23-26 июль кунлари Наманган шаҳрида бўлиб ўтадиган ҳамда шу йилнинг сентябрь ойида Қорақалпоғистон Республикасида ўтказиладиган I Осиё чемпионати тийёргарлик доирасида Турон яккакураши бўйича 1991-92 йилларда тугилган ўғил болалар ўртасида вилоят саралаш баҳслари бўлиб ўтди.**

200 нафардан ортиқ ёш спортчилар ўнта вазн тоифасида голиблик учун кураш олиб борган мусобақада Чирчик, Янгийўл шаҳарлари ҳамда Зангиота, Тошкент, Бўка, Қибрай туманларидан вакиллар қатнашди. Тажрибали мураббий Ақром Шердонаев раҳбарлигидаги Турон яккакураши бўйича вилоят терма жамоасига республика чемпионлари — Абдусаттор Абдуфаттоҳов, Ҳожиакбар Қайумбеков, Ойбек Аҳмедов сингари 33 нафар ўғил ва 16 нафар қиз болалар саралаб олинди.

**Бекзод ҲАЙИТОВ.**

# «RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI TOSHKENT VILOYATI BO'LIMI» МЧЖ

2004 йил 26 июнь кунини ўтказилган аукцион савдосида Янгийўл шаҳрида жойлашган, сатҳи 0,04 гектардан бўлган 3 та ер майдони 380.000 сўмга, Оҳангарон шаҳрида жойлашган, сатҳи 0,06 гектар бўлган ер майдони 130.000 сўмга, Чирчик шаҳрида жойлашган, сатҳи 0,04 гектардан бўлган 7 та ер майдони 1.010.000 сўмга, Ангрен шаҳрида жойлашган, сатҳи 0,06 гектардан бўлган 8 та ер майдони 1.460.000 сўмга, Зангиота туманида жойлашган, сатҳи 0,04 гектардан бўлган 2 та ер майдони 500.000 сўмга, Қуйичирчик туманида жойлашган, сатҳи 0,06 гектардан бўлган 6 та ер

майдони 405.000 сўмга сотилди.

2004 йил 6 июль кунини ўтказилган аукцион савдосида Паркент туманида жойлашган, сатҳи 0,06 гектардан бўлган 3 та ер майдони 370.000 сўмга сотилди.

2004 йил 28, 30 июнь ва 2 июль кунлари ўтказилган биржа савдоларида Қибрай, Юқоричирчик ва Ўртачирчик туманлари ҳудудида жойлашган 12 та нодавлат қурилиши тугалланмаган кўчмас мулк бинолари жами 3.415.000 сўмга, Чирчик шаҳри, Қибрай, Бекобод, Юқоричирчик, Пскент, Бўка туманлари, Жиззах вилояти ҳудудида жойлашган 9 та нодавлат кўчмас мулк

объектлари жами 63.750.300 сўмга сотилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 26.08.2003 йилдаги 368-сонли қарори асосида савдога қўйилган Чирчик шаҳрида жойлашган давлат кўчмас мулк объекти 12.111.280 сўмга сотилди.

2004 йил 7, 9 июль кунлари ўтказилган биржа савдоларида Қибрай, Юқоричирчик тумани ҳудудида жойлашган 23 та нодавлат қурилиши тугалланмаган кўчмас мулк бинолари жами 30.390.000 сўмга, Бекобод шаҳри, Юқоричирчик, Ўртачирчик, Оҳангарон ва Тошкент туманлари ҳудудида жойлашган 8 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами 40.985.000 сўмга сотилди.

## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Сизларни 2004 йил 17, 24, 31 август ва 7, 14, 21, 28 сентябрда соат 12 да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.

**Савдога қуйидагилар қўйилади:**

1. Тошкент вилояти Бўка тумани ветеринария бўлимига қарашли, УАЗ-31512 русумли, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 27-41 ТША бўлган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси – 346 000 сўм.**

Ушбу автотранспорт воситаси савдосида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдо кунидан бир соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун 10 фоизлик закатал пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

Бундан ташқари, олдинги аукцион савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк объектлари, автотранспорт воситалари ва ер майдонлари ҳам ушбу савдоларга қўйилади.

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридаги маблағ Давлат ордени олиш учун давлат божи ва баҳолаш хизмат ҳақини алоҳида баҳоловчи ташкилотнинг ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

**Бизнинг манзил:** Тошкент шаҳар, Мовароуннахр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

**Мурожаат учун телефонлар:** 133-28-52, 133-77-18, **Факс:** 133-43-73.

Сизларни ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба ва жума кунлари Республика кўчмас мулк биржаси ва унинг бўлимлари билан ўтказиладиган марказлаштирилган биржа савдоларига таклиф этади:

2004 йил 12 июлдан бошлаб, биржа савдоларига қуйидаги давлат кўчмас мулк объектлари ҳам қўйилди:

1. Тошкент вилояти, Ангрен шаҳрида жойлашган, «Наврўз» масъулияти чекланган жамиятнинг устав жамғармасидаги 25 фоизлик давлат улуши.

**Бошланғич баҳоси – 7.951.300 сўм.**

2. Тошкент вилояти, Паркент туманида жойлашган, «Parkent ATS» масъулияти чекланган жамиятнинг устав жамғармасидаги 25 фоизлик давлат улуши.

**Бошланғич баҳоси – 22.287.700 сўм.**

2004 йил 14 июлдан бошлаб, биржа савдоларига қуйидаги давлат кўчмас мулк объектлари ҳам қўйилди:

3. Тошкент вилояти, Янгийўл туманида жойлашган, «Yangiyo'l ATS» масъулияти чекланган жамиятнинг устав жамғармасидаги 25 фоизлик давлат улуши.

**Бошланғич баҳоси – 28.322.800 сўм.**

4. Тошкент вилояти, Бекобод туманида жойлашган, «Zafar ATS» масъулияти чекланган жамиятнинг устав жамғармасидаги 25 фоизлик давлат улуши.

**Бошланғич баҳоси – 21.493.900 сўм.**

**Имкониятингизни бой берманг!**

Кўшимча маълумотлар учун Давлат мулки қўмитасининг ваколатли агенти – «Давинком» давлат инвестиция фирмасининг Тошкент вилояти филиали ҳамда «Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati bo'limi» МЧЖга мурожаат қилишингиз мумкин.

**Бизнинг манзил:** Тошкент шаҳар, Мовароуннахр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. **Мурожаат учун телефонлар:** РКМБ Тошкент вилояти бўлими: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73; «Давинком» ДИФнинг Тошкент вилояти филиали: қабулхона 132-06-76 (128).

# XXI asr va dunyo

Mamlakatlar  
Odamlar  
Voqealar  
G'aroyibotlar

Eng  
so'nggi  
xabarlar

## Яқин Шарқ: Кўмакчилар ўққа тутилди



Чоршанба куни Исроил ҳарбийлари Ғазо ҳудудидаги Бейт-Ханун шаҳри томон бораётган БМТ инсонпарварлик ёрдами гуруҳини ўққа тутишди. Гувоҳларнинг эътирофи билан, ўн икки юк машинасида иборат бу гуруҳга шахарга кираверишда ҳужум қилинган. Аммо, исроилликлар бундан тан олмай, аслида жанг фаластинликлар билан бўлган эди, демоқдалар. Ҳарбийларнинг сўзларига қараганда, кўмак гуруҳининг ўтиш вақти аввалдан аниқ маълум бўлганлиги сабабли, бу машиналарни улар асло ўққа тутмаган бўлардилар.

## Россия:

### Ислоҳотга бир қадам

Россия Федерацияси мудофаа вазири Сергей Иванов мамлакат армиясида катта қўламдаги ўзгартиришлар бошланишини маълум қилди. Лондондаги стратегик тадқиқотлар институти ходимлари билан учрашув пайтида Иванов «Стратегик қарорлар қабул қилиш чоғида уларнинг тезкорлигини ошириш ҳамда кўшинларни бошқаришнинг янги сифат даражасига эришиш учун» ҳарбий бошқарувнинг марказий идоралари қайта ташкил этилажаги ҳақида гапирди.

## Кавказ:

### Номзодлар ўн учта

Чоршанба куни Чеченистон сайлов комиссияси Республика президенти лавозимига номзодларни рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар қабулини тўхтатди. Чеченистон президенти лавозими учун курашни ўн уч номзод давом эттиради. Улар тақдим этган имзо варақалари, шунингдек, сайлов гаровларини текшириш учун ўн кун ажратилган. Шу тариқа Чеченистон президенти лавозимига номзодларнинг тугал рўйхати 24 июлда маълум бўлади.

## Буюк Британия:

### Прокурорнинг фикри ўзгача

Британия разведкаси фаолиятини текшириш бўйича комиссия раҳбари лорд Батлер парламентдаги маърузасида мамлакат разведкачилари текширилмаган манбаларнинг маълумотларига ишониб, ҳукуматнинг Ироқ масаласида нотўғри қарор қибул қилишига сабабчи бўлган, деган фикрни билдирди. Аммо, Буюк Британия бош прокурори лорд Голдсмит мамлакат бош вазири Тони Блэрни оқлаб, АҚШ ва Буюк Британиянинг Ироққа ҳужуми учун барча асослар бор эди, демоқда. Унинг фикрича, Саддам Хусайн БМТ талабларини мунтазам бузиб тургани сабабли Ироқнинг ички ишларига қуролли аралашув зарурати туғилганди.



Лондон.

яққол намоён бўлади».

Дарҳақиқат, 2001 йилнинг бошидан оқ АҚШ давлат идоралари мамлакат ҳудудида йирик террорчилик ҳаракати режалаштирилаётгани ҳақида озми-кўпми маълумотга эга бўлган. Бироқ ҳукукни муҳофаза қилиш органлари ва разведка хизмати ўртасидаги «девор» туфайли маълумотлар мутасадди ташкилотларга вақтида ва тўғри етиб бормагани сабабли фожианинг олди олинмаган.

АҚШда ушбу камчилик кеч бўлса-да, йўқотилди. Лекин Испанияда шу кунгача ҳам террорчиликка қарши кураш усуллари такомиллаштиришга қаратилган жиддий чора кўрилгани йўқ. 11 март портлашлари билан боғлиқ тергов жараёни ниҳоятда сулғашиб, бирор жиддий натижа бермаётгани бунинг ўзига хос далилидир.


Испания тарихидаги энг йирик кўпуровчилик бўлган 11 март фожиасининг олдини олиш мумкинми? Бунга аниқ жавоб бериш мушкул. Лекин келажакда бундай мудҳиш воқеалар қайтарилмаслигига эришиш мумкин. АҚШ тажрибаси бунинг амалдаги исботидир.

Аслини олганда, Испанияга хос муаммолар Европанинг деярли барча мамлакатларида мавжуд. Фақат Буюк Британия ва Францияда террорчилик ҳаракатларининг олдини олишга нисбатан жиддийроқ эътибор берилмоқда. Лекин бу икки мамлакатнинг саъй-ҳаракатлари бутун Европани террорчиликдан сақлаш учун етарли бўлмаслиги аён. Шу сабаб мутахассислар «кўхна дунё» мамлакатлари кўпуровчилик хавфига қарши туришга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштиришга шошилмоғи керак, деган фикрда яқдил турибди. Бунинг учун, аввало, қитъа давлатларининг террорчиликка қарши кураш борасидаги қонунларини мослаштириш ва уларни ижро этишдаги камчиликларни бартараф қилиш лозим.

Бобур СОБИРОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси.

## Ер қутби ўзгармоқда

Яқин келажакда инсон тараққиётнинг энг фойдали кашфиётларидан бири – компасдан фойдаланмай қўйса, ажабмас. Саёҳатчиларнинг садоқатли бу дўсти энди дунё томонларини юз фоиз аниқлик билан кўрсатиб бера олмайди, чунки, ер магнит майдони қуввати тобора камайиб бораётир. Қолаверса, магнит қутблари ҳам секин-аста ўз жойларини ўзгартирмоқда.



Тадқиқотлар шуни кўрсатаптики, ўн минг йил мобайнида ўттиз фоизга камайган қуввати кейинги 150 йил мобайнида 10-15 фоизга озайди.

## Ошқозондаги 50 минг

Колумбия полицияси Богота аэропортида ўз ошқозонда 50 минг доллар маблағ олиб ўтишга интилган талабани қўлга олди. Хабар қилинишича, хатти-ҳаракатларида асабийлик ҳолатлари сезилаётган ёш йигит аэропорт хавфсизлик хизмати диққатини ўзига торган. Уни наркотиклар ташувчи курьер деган шубҳа билан рентген аппаратида текширишдан ўтказган хавфсизлик хизмати ходимлари бу одам қорнидаги банкнотларни кўриб, қанчалар ажабланганларини тасаввур қилаверинг.



(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

## Антиқа дастрўмоллар

Американинг Kimberly-Clark Corp. компанияси турли вирусларга қарши Kleenex дастрўмолчаларини савдога чиқараётганини маълум қилди. Компания ўзининг бу янги маҳсулотларини шамоллаш хасталикларининг олдини олувчи энг яхши восита сифатида тавсия этмоқда. Уларнинг самарадорлиги ҳақида ҳозирча шифокорларнинг жиддий ҳулосалари йўқ. Агар чиндан ҳам бу дастрўмолчалар кутилганидек фойдали бўлса, уларнинг бозори чаққон бўлишига ҳеч ким шубҳа қилмаса керак.



Турфа олам

Турфа олам

## Безак санъати усталари кўргазмаси

Ўзбекистон Бадий академияси Замонавий санъат марказида амалий безак санъати усталарининг ижодига бағишланган кўргазма очилди.

Унда юртимиз амалий безак санъати ривожига муносиб ҳисса қўшган моҳир усталарнинг ижод намуналари намойиш этилмоқда.

Гурумсаройлик Ҳакимжон Сатимов, хоразмлик Райимберди Матчонов каби номдор куллар томонидан ишланган мўъжаз идишлар, Кўкун ёғоч ўймакорлиги мактаби давомчиларидан Қодиржон Ҳайдаров ишлаган лавҳ ва курсилар томошабинларда айниқса катта қизиқиш уйғотмоқда.

ЎЗА.

### • Bolalik bog'i

## Topishmoqlar

*O'zi shirin, tukligina,  
Mazasi bor, totligina.* (11010fys)

*Osh ichida tosh,  
Tosh ichida osh.* (1410)

*Osti sariq, usti sariq,  
Shirin, totli, ichi tariq.  
Gulsiz bo'lar mevasi,  
Shirin-shirin donasi.* (Anf17)

*Yam-yashil tusi,  
Xushbo'ydir isi.* (uoynhon)

Ўзбекистон Бадий академияси, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти, Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси ҳамкорлигида тайёрланган «Шарқ миниатюралари» каталогининг инглиз тилидаги учинчи жилди нашрдан чиқди.

## «Шарқ миниатюралари»нинг янги жилди

Унда Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи ҳамда Ўзбекистон Давлат санъат музейи хазиналарида сақланаётган XIX-XX асрларга оид ўттиздан зиёд ноёб кўлэзма ҳамда саккиз юзга

яқин миниатюраларнинг илмий тавсифи келтирилган. Алишер Навоий ва Ҳофиз Шерозий девонлари, Абдурахмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайхо» достони ана шундай нодир асарлар сирасига киради.

Шуниси эътиборлики, мустақиллик йилларида юрти-

мизда қайта тикланаётган миниатюра, ҳаттотлик, наққошлик санъати намуналари, мазкур соҳаларда изланаётган ижодкорлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ҳам ундан кенг ўрин олган.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири.

### • Муҳокама учун мавзу

**Нафислик ва нозикликдан туғилувчи гўзаллик — ҳаёт беағи, руҳнинг малҳамидир. Унинг сеҳри эса ҳар қандай кишини эътиборсиз қўймайди. Инсоннинг қалби гўзал бўлгандагина, унинг чехраси ҳам, либоси ҳам гўзал бўлиб кўринади. Сунъий, сохта гўзаллик эса, одамни зериктиради, ўзидан узоқлаштиради.**

«Мен бу гапларни бежиз айтаётганим йўқ. Ўзини замонавий қизлар қаторига қўшиб истагида юрган дугоналарим ҳақида бироз мулоҳаза юритмоқчиман.

Бугун мен назарда тутган қизлар «мода» ортидан қувиб, ўзларини, ўзликларини унутиб қўяёттирлар. Улар гўзаллик аслида ҳаё-андишада эканлигини, сохта гўзаллик эса, фақат бир кунлигини тушунмай, табиий хуснуларини сунъий пардоз билан беркитиб қўяётганларини ўзлари ҳали англаб етишмаяпти. Тўғри, замондан ортда қолмаслик ижобий ҳол, албатта. Бироқ, ҳар бир нарсанинг ўз мавриди, ўз меъёри бор. Мода экан деб, дидсиз кийинишлар, пардозни эса ҳаддан оширишлар асл маданиятни намоён эта олармикан?

Бундай фикр-мулоҳазалар туғилишига кўз ўнгимда намоён бўлган бир манзара сабаб бўлди. Яқинда кундалик ташвиш билан автобусда кетаётганим. Бекатда турган бир қиз эътиборимни тортди. Уни кўриб, тўғриси, ичимдан ҳам кулдим, ҳам ачиндим. Худди «масхарабоз»ларга ўхшаб қолганим. Юзидаги пардоз шу даражада эдики, кўрган одамнинг кўнгли беҳузур бўларди. Ёйилган сочларига боқиб, ўрилган узун сочларни кўмсадим.

Ота-онамдан эшитганим бор. Илгари онаси оламдан ўтган аёллар сочларини ёйиб, худдики

## Ҳаё — гўзал либосдир



«энди менинг сочимни ўриб қўйгучи онам йўқ» деган маънода сочларини ҳар томонга парижон этган эканлар.

Ҳалиги қизнинг устидаги кийим гарчи қимматбаҳо бўлсада, ўзига умуман ярашмаган эди. Чамаси, 18 ёшлардаги бу қизнинг тор шими-ю, белидан юқорида турган «замонавий» кофтаси тўлагина қадди-қоматига мос эмас-

ди. Автобусда кетаётганлар ва бекатда турганларнинг кўзлари унда. Шу пайт олд қаторда ўтирган бир нуроний отахон унга тегиштириб, шундай жирканч сўзларни айтдиларки, бундан мен уялиб кетдим. Чунки, мен ҳам қиз боламан. Қизлар шаънига доғ ту-

шишини эса истамайман. Айниқса, отахоннинг «ҳозирги қизларнинг бари шунақа ўзи», — деган гаплари жон-жонимдан ўтиб кетди.

Нахотки, бир қизни деб барча қизларнинг номи қора бўлса? Энг ташвишланарлиси, шундайларнинг сони кун сайин ортиб бораётганидир.

Ўзбегим юлдузлари бўлмиш қизлар, азиз дугоналар! Мода ортидан қувиб кийинганда эмас, балки дид-фаросат билан бежиримликда сизу биздан латофат уфуриб туради. Дидли инсон оддийгина матодан ҳам чиройли либос ҳозирлай олади. Энг асосийси эса, сизнинг гўзаллигингиз ҳаё-андишангизда.

Тўғри, гўзал бўлишингизда йўлингизни тўсишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ўз камчиликларингизни пардоз ва либос билан беркитинг. Фақат ҳаё, андиша деган ҳисларни ҳам унутманг.

Нодира АРИФҲУЖАЕВА.

### • Бекажон

## Олча ва гилосли пирог

**Масалликлар:** 6 дона тухум, 200 гр. қанд упаси, 150 гр. печенье, 1 чой қошиқ янчилган долчин. Орасига солиш учун 250 гр. гилос ҳамда шунча микдорда олча керак бўлади.

**Тайёрлаш усули:** тухум оқини кўпиртириб, қанд упаси, тухум сариғи, янчилган печенье ва долчин қўшиб аралаштирилади. Тайёрланган аралашма ёғлиниб, қоғоз солинган товага қуйилади. Кейин ҳамирнинг усти данаги чиқарилган олча ва гилос билан безатилади. Ҳамирнинг қолган қисмини солиб, усти текисланади. Пирог ўрта оловда пиширилади ва илиқлигида кесилади.

Ойшахон ЗОКИРОВА  
тайёрлади.



Зангиота туманидаги Охунбобоев номи 8-ўрта мактаб томонидан 2003 йилда Аллабердинова Эльза Маратовна номига берилган У 0445617 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чиноз туманидаги Агро-тадбиркорлик коллежи томонидан 2002 йилда Маҳмудова Шоира Аҳмаджоновна номига берилган 432769 рақамли, 109099 рақами билан қайд қилинган диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Sparta technology» МЧЖ (ИНН 204970867) устав фондини 2000000 сўмдан 9200000 сўмга кўпайтирилганлиги маълум қилади. Маълумот учун телефон: 49-44-32.

«Milori» хусусий фирмаси «Milori» МЧЖга айлантирилмоқда ҳамда ўзининг устав фондини 400000 (тўрт юз минг) сўмга оширилганлиги маълум қилади.

Тошкент вилояти Адлия бошқармасининг нотариат, адвокатура ва ФХД бўлими катта маслаҳатчиси Садоқат Саттаровага отаси **Азимжон САТТАРОВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан қуқур ҳамдардлик билдиради.

## Қаҳвахонадаги жиноят

**Ичкилик кишини ўзи билмаган ҳолда қабоҳат йўллари сари етаклайди. Бу йўлга кирганлар эса ўзини одам эканлигини ҳис қилганларида бошлари бориб деворга текканини сезади.**

Ҳеч қаерда ишламайдиган Сарвар дўсти Абдурахим билан ёз ойларининг айни жазирама иссиқ кунлари қариндошининг тўйида спиртли ичимлик истеъмол қилиб, ширакайф ҳолда уйларида қайтишаётган эдилар. Аммо Сарвар дўстини йўлдан уриб, оқ оғунинг сархуш дамларини яна давом эттириш ниятида Янгийўл шаҳрида жойлашган «Оазис» қаҳвахонасига йўл олишди. Бу ерда ҳам ичкиликни давом эттирган улфатлар, ўзларининг одамийлик қиёфаларини йўқотиб, атрофдаги фуқароларга тегажоллик қила бошлашди. Аввалига Сарвар қизлар билан ҳордиқ чиқаришга келган Абдулазизни ҳақорат қилиб, унинг

ҳамроҳларига ноҳўя гаплар айта бошлади. Абдулазизнинг ҳамроҳи Рустам эса, «икки оға-ини ботир» Сарвар ва Абдурахимни муросага келтиролмагач, уйига кетиб қолди. Қаҳвахона ёнида қолган Сарвар ва Абдурахим икки киши бўлиб, Абдулазизни дўппослашди. Қизлар бу жанжалдан нарироқ бўлиш учун машинага ўтириб қўйиб бўлишди. Ҳаммага ҳам ўз жони ширин-да. Калтакланган Абдулазиз кўп қаватли уйлар орасига қочиб боргач, ўзига-ўзи «ўзимдан ёш болалардан калтакландимми» деб ўйлади-ю ўша атрофда яшайдиган дўсти Шухратни ёрдамга чақирди. Воқеани тўлиқ англаб тушунмаган Шухрат Абдулазизни дўппослаган Сарвар

ва Абдурахимни қидириб, дўсти билан катта йўлга чиқди. Бу вақтда ўзларини шер билган икки дўст қаҳвахонада овқатланиб, кетаётган йигитларга ҳам «ҳамла» қилиб кўришди, аммо улар тўрт киши бўлганлари учун уларнинг кучи етмади ва қаҳвахонага кириб, Сарвар пичоқ тополмагач, қабоб сихларини олиб чиқиб дўсти Абдурахимни қўлига тутқазди. Уларнинг қўлидаги қуролларини кўрган йигитлар қонунбузарларни тошбўрон қилдилар. Бу пайтда эсушидан ажралган Абдурахим қабоб сихини йигитлардан бирининг кўкрагига санчди. Шу орада қасоскорлар Абдулазиз ва Шухрат етиб келиб, Абдурахимга ташландилар. Кўзи қонга тўлган Абдурахим «сен ҳали калтакка тўймадингми» деб сих билан Абдулазизнинг жағини тилди-ю Сарвар билан кўп қаватли уйлар орасига қочди. Уларнинг кетидан Абдулазиз ва Шухрат қува бошлашди. Шу пайтда ўз юмушлари билан кўча-

га чиққан бир аёл «тинчликми, нима бўлди, кимдан қочаяпсизлар» деб уларнинг олдиларига борди. Абдулазиз ёғоч табуретка билан унинг бошига урди. Сарвар эса, бегуноҳ аёлнинг ўғли қорнига ҳамда Абдулазизнинг биқинига пичоқ санчди. Воқеадан ҳабар топган Янгийўл шаҳар ИИБ ходимлари шу кунгиз тунда пичоқбозликда иштирок этган барча шахсларни аниқладилар. Жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар судининг ҳукмига кўра, Исроилов Сарвар 6 йилу 6 ойга, унинг ҳамтовоғи Портаев Абдурахим 3 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум этилдилар. «Қасоскор» Ибатов Абдулазизга эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Амнистия тўғрисида»ги Фармони қўлланилиб, тайинланган жазодан озод қилинди.

**А. АБДУЖАЛИЛОВ,**  
Янгийўл шаҳар ИИБ ТБ бўлима бошлиғи, милиция капитани.  
**Ш. АНВАРОВ,**  
Тошкент вилояти ИИБ матбуот гуруҳи катта инспектори, милиция катта лейтенанти.

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА  
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

**Муассис**  
**ТОШКЕНТ**  
**ВИЛОЯТИ**  
**ҲОКИМЛИГИ**

**Бош муҳаррир**  
**Фатҳиддин**  
**МУҲИДДИНОВ**

**Телефонлар:**  
Хатлар ва оммавий  
ишлар бўлими: 133-40-48.  
Эълолар:  
133-70-10, 136-53-54.

**Манзилими3:**  
700000, Тошкент  
шаҳри, Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги  
Матбуот ва ахборот бошқармасида  
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.  
**Газета «Тошкент ҳақиқати»**  
таҳририяти компьютер  
марказида терилди ва  
саҳифалонди.

• Эълон ва билдирув-  
лардаги факт ҳамда далил-  
ларнинг тўғрилиги учун  
реклама ва эълон берув-  
чилар масъулдир.